

## МЕХРНИНГ МЕЪЁРИ БОРМИ?

Меҳр — инсоннинг ўз туқиганларига, яқин кишиларига ва умуман, одамларга, буюмларга бўлган муҳаббати, яхши кўриш туйғусидир. Ҳар бир одамда меҳрни ифодаланиш даражаси кўпинча туғма бўлади. Ота-оналари томонидан бир хил меҳр кўрган, баробар ардоқланган фарзандларда меҳр турли миқдорда ифодаланар экан.

Меҳрнинг ортиқчаси бўлармикан дейсизми? Бўларкан! Қалбимизни мудом юмшатиб, оқибат ришталарини боғлаб, эзгуликка бошлаб турувчи бу олий туйқуни меъёрдан оширсак, ортиқча бўлиши мумкин экан...

Меҳрни ифодалаш, меҳрга бўлган эҳтиёж ёшга боғлиқ бўлади. Айниқса мактабгача ёшдаги болалар ота-она, бува-бувилар, ака-опалар меҳрига муҳтож бўлади. Айни шу даврда бола меҳрга тўйиниши керак. Агар бола шу даврда меҳрга тўймаса, кейинги ёш босқичларида унга нисбатан ифодаланган меҳр мактабгача ёш даврини ўрнини боса олмайди.

Биз учун моддий ҳаёт маънавий ҳаётдан бироз устун бўлиб бораётгандек. Пул топиб, ҳаммасини бадастир қилиб қўйишнинг ўзи етарлидек. Аммо аслида-чи?

Фарзанд — табиатан навнихол. У ҳаётда рўй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисадан жуда тез таъсирланади ва ўз таассуротларини ким биландир баҳам кўргиси келади. Ҳар куни унда жуда кўп саволлар пайдо бўлади ва уларга жавоб излайди. Шундай пайтда фарзанд ўзи билан суҳбатлашадиган, дардлашадиган ва сирлашадиган инсонга жуда катта муҳтожлик сезади. Агар бола ҳаётида бирон-бир кутилмаган нохуш ҳодиса юз бериб қолса, янада кўпроқ ёлқизланиб қолади. Шундай пайтларда уларга биринчи навбатда ота-онанинг эътибори ва меҳри жуда ҳам зарур.

Бугун ота-оналарнинг аксарияти фарзандлари билан ҳар куни ҳол-аҳвол сўрашишга ҳам вақт ажрата олмасликлари сир эмас. Фарзандлар эса, мактабда бўлган бирон бир ўзлари учун қизиқарли бўлган воқеани ота-онасига айтиб беришга ошиқишади, уларнинг ишдан қайтишини кутиб

ўтиришади. Баъзан кутиб-кутиб, ухлаб қолишади. Бу вазият такрорланавергач, фарзандлар ота-онанинг ишдан қайтишини хушламасдан кутиб олишади. Улар билан суҳбатлашиш истаги сўниб боради.

Мана бу саволларга жавоб беринг-чи:

- оилангиз билан бир марта бўлса ҳам таътилга, дам олишга чиққанмисиз?

- фарзандингиз билан биргаликда байрам-сайилларга борганмисиз?

Афсуски, бу саволларга барчамиз ҳам ижобий жавоб бера олмаймиз.

Бола меҳрга муҳтож. Унга етарли эътибор қилиб турилмаса, кўнгил ҳам мисоли гулдай сўлиб қолади. Биз катталар бу ҳақда жуда кам ўйлаймиз. Катталар томонидан етарли эътибор, эъзоз ва эҳтиром кўриб ўсган фарзандлар ўқишда ҳам, кейинги ҳаётларида ҳам анча илдам, илқор бўлишади. Буни ҳар бир ота-она билиши ва ўз хатти-ҳаракатини шунга мувофиқ белгилаши лозим. Мисол учун: буви набирасини ҳовлида ўйнатиб ўтирганда ўқил эшикдан кириб келиб битта шоколадни олиб “Мана асал қизим, кечаги буюртмангиз”, — деб қизига узатади. Шу тобда хотини кириб келади. Шунда ўқил қизига: “Оппоқ қизим аянгизга ҳам жиндай берасиз-а?” “Аягизни яхши кўрасиз-а?” деб шоколадни очди-да бир бўлагини синдириб хотинига узатди. Қараб ўтирган она ёш боладек ўқлига умид билан қаради. Гўё боласи меҳрини бўлаклаб тарқатаяптию, она куруқ қолаяпти... У қизи, аёлини кўрди, онасини кўрмади. Ўзи ҳам емай, уларга берди, аммо онага илинмади.

Мундоқ қараганда арзимас нарса бу. Лекин ўғилнинг ҳаракатлари катта ҳақиқатни англади. Кийимнинг энг одмисини ўзи кийди, овқатнинг суюқини ўзига сузди. Болаларига сарасини берди. “Қадрим, иззатим ўз-ўзидан бўлаверади, ахир онаман-ку”, — дерди. Унақа эмас экан. Бола ниҳол мисоли, уни осмонга қаратиб эмас, пайти келса эгиладиган қилиб ўстириш керак экан. Ўзимдан қайта-қайта сўрай бошладим. Шууримга бир савол куюндек бостириб кирди: “Меҳрнинг ортиқчаси бўларкан-да?”. “Фарзандларимга бераётган меҳрим ортиқча эмасмикан?”.

Вақт ўтиши билан инсондан қилган яхшиликлари эвазига яхши ном қолади, холос. Шу боис, фарзандларимизга, бир-биримизга меҳр беришга, барча ишларда ёрдам қўлини чўзишга ошиқайлик.

Гулноза ИРГАШЕВА, “Касбий таълим” кафедраси ўқитувчиси.